

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**З.М. БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАРИХ ВА ИЖТИМОЙ ФАНЛАР ФАКУЛТЕТИ
УМУМИЙ ТАРИХ КАФЕДРАСИ**

КУРС ИШИ

МАВЗУ: Қадимги Юнонистонда фан ва тараққиёт

**Бажарди: 3 босқич талабаси
Исаков Достонбек**

АНДИЖОН – 2015

Р е ж а:

Кириш

1. Юнонистонда фан тараққиёти
2. Буюк юнон олим ва мутафаккирлари
3. Эллинизм даврида фан ривож

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар

КИРИШ

Мустақил ривожланиш йўлидан илдам қадамлар билан ривожланиб бораётган Ўзбекистон ўз олдига мазмунан мураккаб, лекин муҳим бўлган ижтимоий-сиёсий вазифаларни ҳал қилиш йўлида ҳам ибратли ишларни амалга оширмоқда. Шу мақсадга эришиш йўлида субъектив омил, яъни тадқиқотчининг саъй-ҳаракатлари алоҳида ўрин тутadi. Бежиз эмаски, республикамизда ишлаб чиқилган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” да ҳам изланувчан, ташаббускор ёшларни тарбиялаб, вояга етказиш муҳим вазифалардан бири сифатида эътироф қилинган. Мустақил фикрловчи шахс:

- гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини билиши, ижтимоий муаммо ва жараёнларни илмий таҳлил қила олиши, шу фанлар услубларидан турли касбий ва ижтимоий фаолиятда фойдалана олиш;
- илғор тафаккур юритиш маданиятига эга бўлиш, ўз фикрини оғзаки ва ёзма равишда мантиқан тўғри баён қила олиш;
- эғалаётган каспнинг моҳияти ва ижтимоий аҳамиятини тўлиқ тушуниши, соҳа фаолиятини аниқлайдиган фанлар муаммоларини билиш, уларнинг яхлит тизимдаги ўзаро боғлиқликларини кўра олиш;
- турли ходисаларни таърифлаш, уларнинг истикболини белгиловчи моделларни яратиш ва ишлатишни билиш, ходисаларнинг миқдор ва сифат таҳлилин амалга ошириш имконига эга бўлиш керак.

Мазкур курс ишимда фан, демократия, меъморчилик, тасвирий санъат, ҳарбий санъат юқори даражада ривож топган марказлардан ҳисобланган қадимги Юнонистон тарихининг маълум бир қисмини ўрганиб чиқишга ҳаракат қилдик. Лойиҳа иш материалларида Юнонистонда фан тараққиётининг эрамиздан аввалги III – I асрларгача бўлган даврдаги босқичларини ўрганиш, фаннинг амалиёт, яъни ҳаёт билан, техникани яратиш масалалари билан ўзаро алоқасининг йўқлигига қуллар меҳнатидан кенг фойдаланиш сабаб бўлганлигини кўрсатиш асосий вазифа қилиб белгиланган. Зеро, антик давр фани, фалсафасини тарих фанининг ажралмас бир қисми сифатида ўрганиш илмий, ғоявий ва тарбиявий жихатдан катта аҳамиятга эгадир.

Назарий фикрлаш, илмий асосга эга бўлган гипотезаларни илгари суриш, тарихий ҳақиқатни тушуниш алоҳида ёндашув ҳосиласи сифатида намоён бўлади. Бу қобилият тараққий этиши, такомиллашуви зарур, бунинг учун ханузгача ўтмишдаги барча фанларни ўрганмасдан бошқа чора йўқ.

Ўтмишдаги илмий, фалсафий ва бошқа таълимотлар тарихини босиб ўтилган босқич сифатида қараб, уни ўрганиш ҳозирги даврда ҳам катта аҳамият касб этишини ёдда тутмоқ, буни ўсиб келаётган ёш авлодга етказмоқ зарур.

Биз ўз олдимизга қадимги Юнонистоннинг фани, ижтимоий-фалсафий фикрлари, тарихини, унинг ривожланиши босқичларини изчил ёритиб беришни мақсад қилиб қўйдик. Унда Қадимги Юнонистон олимлари, мутафаккирлари, файласуфларининг фалсафий, табиий-илмий, ижтимоий-ахлоқий дунёқарашлари ёритилган. Биз аввало қадимги Юнонистонда фан қай тариқа ривожланганлиги тарихига назар ташлашдан олдин унинг географик жойлашуви ва иқлимини ўрганишимиз зарур, деб ўйлаймиз.

Юнонистон географик жиҳатдан уч қисмга бўлинади: Фессалия ва Эпир, шимолда Моли ва Пагасей кўрфазлари, жанубдан Коринф ва Сароника билан чекланган, марказий қисми Пелопоннес ярим оролидан иборат жанубга бўлинади. Шимолий қисмида Фессалияни Эпирдан Пинд тоғлари занжири ажратиб туради. Қадимда бу икки вилоят юнон маданияти шаклланишида муҳим аҳамият касб этган, бу ерга илк бор шимолдан жанубга томон юнон қабилалари силжиб келган.

Фессалияда қадимги юнон афсоналари пайдо бўлган. Унинг жанубидаги Сперха дарёси водийсидаги Ахей Фтиотидаси ахейлар ва мирмидонлар ватани бўлган. Фессалиялик афсонавий Ясон узоқ Колхидага олтин мўйна кидириб, жўнаб кетган. Додонда Селла коҳинлари муқаддас дуб дарахтининг барглари шитирлашига қараб фол очганлар. Эпир эса юнон маданиятига алоқаси бўлмаган ёввойи ўлка бўлиб, уни марказий Юнонистон билан фақат хаон, теспрот, молосс ва ореста қаби эпир қабилалари жойлашган Ахелой дарёси боғлаб турган.

Фессалия барча томондан тоғлар билан ўралган бўлиб, бу ерда икки текисликни Фессалиялик босқинчилар ишғол қилганлар. Улар маҳаллий аҳолини қарам пенестларга айлантирганлар. Қисман уларни водийдан тоғларга сиқиб чиқарганлар. Фессалия ғарбий қисмида ғалла ва чорвачилик ривожланган. У ерда қулай қирғоқ ва қўлтиқлар йўқ. Шимолий Юнонистонни марказий Юнонистондан денгиз ва Ойта тоғлари орасида ётган Фермопил дарёси ажратиб туради.

Курс ишим режасига киритилган масалаларни ўрганиб чиқишда Ф. Бойназаровнинг Қадимги дунё тарихи (Тошкент, 2004), "История Древней Греции" (М., 1972.), История древнего мира (Москва, 1956), История Древней Греции. (под редакцией В.И.Кузищина. М., 1986) Немировский А.И.История древнего Мира. Античность. (Москва, 2001. 1-2 части.) . Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб Тошкент, («Фан». 1991.) Қадимги дунё тарихи. Ю.С.Крушккол таҳрири остида. 2-қисми. (Тошкент, 1975), Хрестоматия по истории Древней Греции. Под. Ред. Д. П. Каллистова (М., 1964), Фролов Э. Д.Рождение греческого полиса. (Л.ЛГУ, 1988.), Ўзбекистон миллий энциклопедияси (Т. 2000. Том 10) қаби бир қанча манба, рисола ва адабиётлардан бевосита ва танқидий нуқтаи-назардан фойдаландик, улардан олинган материалларни қиёсан таҳлил қилдик ҳамда

холислик тамойилини қўллаган ҳолда ўз битирув малакавий ишимиз масалаларини ёритдик. Ушбу маълумотлардан шундай хулоса келиб чиқадики, ҳозирги кунга қадар қадимги Юнонистонда яратилган меъморчилик, санъат ва адабиёт намуналари ўзининг мукамаллиги, юксак даражада маҳорат билан яратилганлиги, инсон тафаккури яратган улкан кашфиётлари билан инсониятни ҳайратга солиб келмоқда., Қадимги Юнонистонда таваллуд топган мутафаккирлар, алломалар ўша давр фани учун жуда катта хизмат қилишгани ва ўз билимлари ривожлантиришган. Бунга мисол тариқасида Элидо — эритрик мактаби. Элидалик Федон томонидан ташкил этилган. Киник мактаби, Платон академиясини тарихан 5 даврга бўлиш мумкин: 1 -ёки «Қадимги академия» (тахминан. эрамиздан .аввалги. III асрнинг ўрталарига қадар) – пифогаризм таъсирида бўлган, математика ва астрномияни ривожлантиришга маълум хисса қўшган: 2 -ёки «Ўрта академия» (эрамиздан .аввалги. III асрнинг ўрталаридан бошлаб) ва 3-ёки «Янги академия» – скептицизм ғояларини ривожлантирган. Кейинчалик 4-5 академияларни олишимиз мумкин. Аристотель асарларини мазмунига қараб, 7 гуруҳга бўлиш мумкин: 1. Мантиқа оид барча асарларни «Органон» номли йирик тўпламга киритган («Категориялар», «Талкин ҳақида», «Биринчи ва иккинчи аналитика», «Топика»). 2. Физикага оид трактатлар («Физика», «Пайдо бўлиш ва йўқолиш ҳақида», «Механика» ва б.) 3. Биологияга оид трактатлар («Жон тўғрисида», «Хайвонлар тарихи», «Хайвонларнинг келиб чиқиши» ва б.). 4. Фалсафага оид асарлар («Метафизика»). 5. Этикага оид асарлар («Никомах этикаси», «Эвдем этикаси» ва б.). 6. Ижтимоий-сиёсий ва тарихий асарлар («Политика», «Полития»). 7. Санъат, поэзия (шеърят) ва риторика (воизлик)га доир асарлар («Риторика», «Поэтика»). да келтирилган илмий гипотеза ва постулатлар олимлар томонидан ҳанузгача тадқиқ қилинади.

1. Юнонистонда фан тараққиёти

«Антик» сўзи лотинча (антигус) « қадимги» деган маънони билдиради. Бироқ барча қадимий адабиётларга антик атамаси қўлланилмайди. Бу ном остида фақат қадим Юнонистон ва Рим адабиёти тушунилади. Бунинг сабаби шундаки, Юнонистон ва Рим маданият, санъат ҳамда адабиётнинг қадим бешиги ҳисобланади. Антик адабиётнинг туғилиш жойи Юнонистон бўлсада (эрамиздан аввалги VII—VI асрлар), III асрда Рим маданиятининг барпо этилишига ҳам катта таъсир кўрсатган. Бу маданият милодий V-VI асрларга қадар давом этган. Антик давр маданиятнинг чинакам гуллаб-яшнаган палласи бўлди, қадимги Юнонистон ва Римда яратилган меъморчилик, санъат ва адабиёт намуналари ўзининг мукамаллиги, юксак даражада маҳорат билан яратилганлиги, инсон тафаккури яратган улкан кашфиётлари билан инсониятни ҳануз ҳайратга солиб келмоқда. [6]

Бу даврда етишиб чиққан аксарият ижодкорларнинг номлари асрлар оша бугунги даврга қадар етиб келди. Улар яратган асарларда кўтарилган муаммолар, инсоний кечинмалар, ҳиссиётларнинг азалийлиги ва барчанинг дилига бирдек яқинлиги билан ҳам ҳозирги кунга қадар ўз жозибасини йўқотгани йўқ, Демак, ушбу асарлар ўз даври учунгина бадиий томондан юксак даражада бўлиб қолмай, келгуси авлодлар учун ҳам ибратли ҳисобланади. Буюк Гомер, унинг «Илиада» ва «Одиссея» асарлари ёки Софокл номи, машҳур «Шоҳ Эдип» трагедиясини билмаган китобхонни топиш мушкул. Айнан кўҳна Юнонистонда ёзма бадиий ижоднинг илк намуналари вужудга келган, бизнинг ҳозирги кундаги адабиётнинг вазифаси, унинг кишилиқ жамиятидаги ўрни, бадиий ижод табиати, турлари (яъни, эпос, лирика ва драмага бўлиниши), шеър тузилиши, воқеликни акс эттириш усуллари ва ҳоказолар тўғрисидаги тасаввурларимиз ибтидоси қадимги Юнонистонда ўша кезларда пайдо бўлган тушунчаларга бориб тақалади, бу қараш ва тушунчалар кейинчалик Римга, ундан сўнг эса бутун дунёга ёйилган, ҳозирда жаҳон эстетикасининг умумий мулки ҳисобланади.

Антик адабиёт жанрлари ичида қаҳрамонлик достони энг асосий ўрин тутган, ушбу жанрнинг чўққиси Гомернинг «Илиада» ва «Одиссея» асарлари саналади. Гомер базмларда ривоятларни куйга солиб аytувчи халқ қўшиқчиларининг асрлик тажрибаларига таянган ҳолда илк бадиий дostonларини яратди. Кейинчалик Рим шоири Вергилий Гомерга таклидан «Бнеида» дostonини ёзади, унда тасвирланишича, троялик Эней дўстлари билан Италияга сузиб келади, унинг аждодлари Римни барпо қиладилар.

Қаҳрамонлик дostonидан ташқари дидактик-панднома асарлар ҳам яратилган. Гомернинг замондоши Гесиоднинг асарларини бу жанрнинг юксак намунаси сифатида кўрсатиб ўтиш лозим. Унинг «Меҳнат ва кунлар»

достони ҳалол деҳқон қандай яшаши ва меҳнат қилиши лозимлиги тўғрисидаги асардир. Римда Вергилий шу мазмундаги «Георгики» («Деҳ қончилик шеърлари») ни яратган, шоир Лукреций эса «Буюмлар табиати ҳақида» асарида воқелик, инсон ва жамиятнинг яратилиш моҳияти тўғрисидаги қарашларини илгари суради.[7]

Достондан кейин энг кадрланган жанрлардан бири трагедия эди, антик трагедия фақат шеърӣ йўлда ёзилар, юнон асотирилариға асосланар эди. Драма жанри юнон адабиётининг антик даврида вужудға келди. Антик драма очик жойда намоӣиш этилар, томошабинлар ўтириши учун қўйилган курсилар кетма - кет ярим доира шаклида терилар, ўртада, сахна олдидаги майдончада кўп турар ва ўз қўшиғи билан кечаётган воқеа-ҳодисаларға изох берар эди. Трагедияда актёрларнинг монолог ва диалоглари кўп қўшиқлари билан алмашиб турар эди. Эсхил, Софокл, Эврипид каби ижодкорлар трагедия ривожига муҳим ҳисса қўшдилар. Эсхилнинг «Эронийлар», «Фиванинг етти душмани», «Занжирбанд Прометей», «Орестея» трилогиясига кирадиган «Агамемнон», «Хоефорлар» ҳамда «Евменида» асарлари бизгача етиб келган. «Эронийлар»дан бошқа ҳаммаси мифологик мавзуларда ёзилган. Антик драматурглардан ҳеч бири инсон руҳияти, қалбидаги зиддиятлар тасвири бобида Эсхилға тенглаша олмайдилар. Софокл юнон драмасига қатор янгиликлар киритган, ушбу жанр имкониятларини бойитган, мифологик сюжетға янги рух бахш этган иккинчи буюк трагедиянависдир. Унинг «Шоҳ Эдип», «Эдип Колонда», «Антигона» трагедиялари машҳур. Эврипид «Алкестида», «Медея», «Гераклидлар», «Ипполит», «Гекуба», «Электра» каби драмаларнинг муаллифи. Унинг, айниқса, «Медея» трагедияси шуҳрат қозонган, унда мифология қаҳрамонлари замин инсонларининг ҳиссиётларини реалистик тарзда ўзларида мужассам этганликлари билан кишини ҳайратға солади.[8]

Сукрот одатда суҳбатларни кўчаларда, майдонларда баҳс ёки суҳбат шаклида олиб борарди. Фалсафа, Сукрот фикрича, табиатни кўзатиш билан шуғулланмай, балки яшаш тарзи масалалари билан шуғулланиши лозим. Сукрот қадимги юнон файласуфларининг табиат тўғрисидаги барча назарияларини бефойда деб билади. Унинг фикрича, табиатни ўрганиш инсон учун ётдир, уни фақат худо билиши мумкин. Инсон фақат ўзига тегишли нарсаларни билади, яъни ўз-ўзини билиши зарурдир. Улар фалсафанинг предмети тўғрисида фикр юритган бўлса, Сукрот эса фалсафанинг вазифаси турли ахлоқий масалаларни тадқиқ этишдан иборатдир, дейди. Шунинг учун у натурфалсафаға қарши чиқиб, табиатни эмпирик (ҳиссий) ўрганишни танқид қилди, сезги аъзоларининг билишдаги аҳамиятини қадрламайди. Унинг киши ўзини билиши керак, деган таълимоти шогирди Платоннинг «Теэтет» асарида баён қилинган. Сукрот ўзидан кейин бирон-бир ёзма манба қолдирмаган. Унинг ўзи ва таълимоти

ҳақида биз Ксенофаннинг «Эсдаликлар»идан ҳамда Платоннинг «Сукрот ҳақида» диалогларидан биламиз. Бир вақтлар Сукрот софистлар гуруҳига аъзо бўлган. Нутқининг мантикий кучи, киноя воситасида ўз суҳбатдошларининг чалқаш фикрларидан моҳирона фойдаланиб, ўзига ром қила олиши билан катта таассурот қолдирган.

Сукротнинг фикрича, бу масалани ҳал этиш мумкин эмас. Унинг фикрича, ҳаёт бу санъат, санъатни сайқаллаштиришда санъатнинг ўзини билиш лозим, фалсафанинг асосий амалий масаласидан олдин илмнинг моҳияти ҳақидаги масала туриши шарт. Билим, Сукрот фикрича, предмет ҳақидаги тушунчадир. Унга тушунчани аниқлаш орқали етишиш мумкин.

Билим, биринчидан, мазкур тушунчанинг ўхшаш томонларини ёки умумий томонларини бошқа тушунчалардан аниқлашни талаб этса, иккинчидан, тушунчалар ўртасидаги фарқларни аниқлашни кўзда тутди. Билимнинг предмети, Сукрот фикрича, инсоннинг мақсадига мувофиқ келадиган бўлиши лозим. [12]

Инсон ҳаётлигида, дейди Сукрот, ҳар қандай мақсадга мувофиқ фаолият учун релятивизмнинг нисбийлигини тан олади.

Фаровонлик фойда ва қониқиш билан белгиланади. Чунки яхши нарсa бир пайтнинг ўзида мақсадга эрамизданишишда фойдалидир. Шустдай қилиб, Сукрот фикрича, худосиз билим илмий аҳамиятга молик эмас, у дахрийликдир. У табиий тараққиётни инкор этади.

Энди биз юнонларнинг илм-фан марказлари, мактабларини кўриб чиқамиз.

Элидо — эритрик мактаби. Элидалик Федон томонидан ташкил этилган. Мазкур мактабнинг намоянларидан бири Менедем Эритрик мактаби таълимотининг ривожига ўз хиссасини қўшган.

Федон билан Менедем баҳс олиб боришнинг моҳир усталари ҳамда нотикпик санъатининг устозлари бўлишган. Бироқ уларнинг мактаби мегерликлар сингари шуҳрат ва фаровонликнинг бирлиги тўғрисида ҳамфикр бўлсада, мегерликлар таълимотига оригинал фикрлар қўшмаган.

Киник мактаби. Киник мактабининг асосчиси Антисфен милодимиздан аввалги V асрнинг бошларида яшаб ижод этган. Сукрот ва Горгийнинг шогирди бўлган. Антисфен бир неча диалогларнинг муаллифидир. Унинг диалогларида Сукрот ва Платон айтиб ўтганидек, аристократлар орасида эмас, балки ҳунармандлар орасида баҳслар юритилган. Антисфен Платон ғоялари назариясининг муҳолифи бўлиб, жисмлардан ажратилган тушунчалар бирдан-бир реалдир, деган позицияда турган.

«Отни кўраяпман, лекин от деган тушунчани кўрмайпман». Ҳақиқий билим фақат якка-якка жисмларни билиш орқали юзага келади. У асосан ахлоқий масалалар билан шуғулланган. Инсон ўз фаолиятида даставвал ўз

ақлига таяниши лозим. Қул ва кулдорлар ўртасидаги фарк ғайритабиийдир. Антисфен умумийликнинг реаллигини инкор этади. Унинг фикрича, фақат якка-якка жисмларгина мавжуд. Тушунча бу фақат сўз бўлиб, жисмнинг идеал сиймосидир, дейди у.

Кирен мактаби. Бу мактабга Аристипп томонидан асос солинган бўлиб, уни Феодор ва бошқалар даввалгиом эттирганлар. Сукротнинг шогирди Аристипп куддорлар мафкурачиси эди. У билимнинг бирдан бир манбаи ва бахтнинг мезони сезгилардир, дейди. Сезгиларсиз инсон ҳеч нарсани била олмайди. Ҳаётнинг мақсади лаззатланишдир, лекин инсон лаззатнинг қули бўлмаслиги керак. Унинг фикрича, олий бахт оқил лаззатланишдадир. Лаззат ва азият яхшилик ва ёмонлик, ҳақиқат ва ёлғоннинг мезонидир. Билимнинг асоси фақат амалий жиҳатдан бахтга эришишдир. Чунки билишнинг қуроли Аристипп фикрича, сезгиларимиз бўлиши мумкин. Сезгиларимиз орқали жисмларнинг хоссаларини эмас, балки ўзимизнинг мутлақо индивидуал ҳолатимизни била оламиз. Ҳозирги вақтдаги лаззат қийматга эга, чунки ўтмиш ёки келажак олдида умид ёки кўрқув ҳеч қандай маънога эга эмас. Ҳаётнинг мақсади ҳозирги даврда лаззатланишдир. Энг орзули лаззат бу ҳиссий лаззатдир. Улар энг кучлидир. Феодор эса худоларнинг аввалгижудлигини инкор қилган ҳолда донишманд учун ахлоқий меъёрлар шарт эмас, дейди. Унинг учун ҳаётнинг мақсади якка-якка лаззатланишда эмас, балки ҳар қандай фаровонликқа оқиллик билан эришилган қувончли бахтдадир. Шунинг учун у ҳар бир кишини оқиллик билан қувончга эришишга даъват этади.

Платон ўз устози Сукрот сингари асли Афиналик бўлиб, унинг ҳаёти ва фаолиятининг ўн икки йил Африка, Систилия, Жанубий Италия шаҳарларида ва Афинада ўтган.

Платоннинг ҳаёти тўғрисидаги айрим маълумотлар мавжуд ва айни вақтда улар чалкашдир. Платон таниқли, бой оилада Афинадан олис бўлмаган Эгина оролида дунёга келган. Ота авлоди Аттиканинг сўнгги подшоси Кодрга тақалса, она авлоди машҳур қонуншунос Солонга тааллуқлидир. Тадқиқотчилар маълумотларига кўра, Платон Делос оролида Аппелон худосининг таваллуд топган, байрам куни яъни 428-427 йили 7 таргелия (21 майда) туғилган.

Платоннинг фалсафий фаолияти бир мунча кейин бошлаган. Тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра у дастлаб спорт билан шуғулланган. Хатто, уюштирилган мусобақаларда ҳам фаол иштирок этган, шунингдек бадий адабиёт, мусика ва хайкалтарошлик санъати билан шуғулланган. Кейинчалик у ўзининг бу соҳадаги қобилиятларини фалсафага бағишлади. Платон Сукротнинг шогирдлари гуруҳига қўшилгунга қадар фалсафани Критийдан ўрганган. [14]

Сукрот вафот этган йили (399 йил) файласуфнинг Афинадаги биринчи истиқомат даври тугаган. Ўша даврда Платоннинг ёши 28 да эди. Иккинчи маротаба у Афинага 12 йилдан сўнг қайтиб келади. Ана шу 12 йил даввалгиомида Платон Миср, Кирен, Систилия ва Жанубий Италия давлатларига сафар қилади. Унинг Мисрга қилган сафари ижтимоий - сиёсий қарашларга катта таъсир кўрсатган. Айниқса у ердаги меҳнат тақсимоти ижтимоий ва шакли арифметикани ўқитиш услуби уни хайратга солган.

Платон умрининг қолган қисмини Афинада ўтказган. Қадимги файласуфлардан асарлар тўлиқ равишда етиб келгани бу Платондир. У баён қилган таълимотлар қарама - қаршиликлардан холи эмас. Уларнинг баъзиларидан у борлиқ ва оламни билиш тўғрисидаги «ғоялар назарияси» номини олган таълимотни илгари сурган. Платон номи билан чоп этилган баъзи асарларда эса бу ғоя учрамайди.

Тарихий манбаларда келтирилишича, аллома ўзидан кейин ўттиз бештадан ортиқ диалог тарзида асарлар ёзиб қолдирган. Баъзи бир тадқиқотчиларнинг фикрича, Платонга тегишли асарларидан айримлари унга тааллуқли эмас дейишади. Лекин, Аристотель томонидан келтирилган маълумотларни бирдан бир тўғри маълумотлар деб аташ мумкин. Чунки Аристотель Платоннинг энг яқин шогирди ва дўсти бўлган.

Тадқиқотчиларнинг кўрсатишича Платоннинг «оғзаки нутқлари» умумлаштирилиб «фаровонлик тўғрисида» ёзилган асарлари бизгача етиб келган эмас.

Платоннинг 30 дан ортиқ асарлари маълум: «Протагор», «Федон», «Парменид», «Теэтет», «Тимей», «Критий», «Лахет», «Менон», «Давлат», «Сиёсатдон», «Қонунлар», «Федр», «Филеб» ва бошқалар.

Платоннинг асарлари унинг тадқиқотчилари, тарихчилар томонидан тўрт қисмга ажратилган.

Биринчи қисмга: «Сукротчилар диалоги» деб ном берган. Бу асарлар асосан Платон Сукротнинг ўқувчиси бўлган даврда ёзилган бўлиб, унда устозининг қарашлари ҳаққоний акс эттирилган. Бунга файласуфнинг куйидаги асарлари киради.

«Лахес» (Жасурлик ҳақида), «Хармид» (Донолик ҳақида), «Лисис» (Севги ва дўстлик ҳақида), «Критон» (Қадрият ҳақида), «Ефтифрон» (Художўйлик ҳақида), «Ион» (Бадиий ижод табиати ҳақида), «Эвтидем» ва «Кичик Гиппи» (Софистлар танкиди), «Протагор» (Фазилатлар ҳақида), «Давлат» (Адолат ҳақида). Унинг «Сукрот Апалогияси» шу қисмга тааллуқлидир.

Иккинчи қисмга: Сукротчилар доирасидан Платончилар доирасига ўтиш даврида ёзилган асарлари киради; «Горгий», «Кратий», «Катта Гиппий»

унда биринчи маротаба Платоннинг «Эйдос» назарияси ифодаланган. «Модон» да эса Платоннинг муҳим гнесеологик таълимотлари ўрин олган.

Учинчи қисмга: оид асарлар файласуфлари баркамоллик давридаги ёзилган «Менексен», «Пир», (Базм), «Федр», «Федон», «Давлат», (III-X китоблар). Бу қисмга шунингдек шакллар устидан устун турувчи тушунчалар баён этилган етук диалоглар ҳам киради.

Тўртинчи қисмга: Платоннинг қуйидаги диалоглари киради, «Тэатет», «Софист», «Парменид», «Политик», «Темий», «Критий», «Фалейб», каби диалоглари киради.

Диалогларнинг услуби эраизданкин, улар ҳам фалсафий ҳам бадиий мақсадда баён этилган.

Унинг ижод қирралари беҳисоб ва ажойибдир. Унда нафақат файласуф билан олимлик қирралари уйғунлашибгина қолмай, балки бу икки қиррада санъаткорлик-шоирлик ва драматурглик ҳам ўз аксини топди. Зотан, Платон ўз фалсафий ғояларини адабий асарларда баён қилган. Фалсафий ва илмий фикрларни адабий шакл билан боғланганлиги эса табиий бир ҳолдир.

Сукрот ўз ғояларини диалоглар тарзида баён қилган. Унинг диалогларида бир гуруҳ шахслар ёки айрим шахслар иштирок этадилар. Булар-Сукротнинг шогирдлари ва дўстлари, софистлар, шоирлар, Сукротнинг ўзи ва Аристофан, Алкивиад, Протогор, Горгий ва бошқалар.

У Македония яқинидаги Стагир шаҳрида, Македония подшоси Аминта саройида табиб оиласида туғилган. Отаси Никомах эди. Аристотель табиб хонадонидан бўлганлиги сабабли ёшлик чоғиданоқ жисмонан бақувват ва соғлом бўлиб улғайди. Дастлабки таълимотни ўз оиласида олгач, ўн етти ёшида устози ва дўсти Платон ташкил этган Академияга ўқишга кириб, йигирма йил давомида, яъни Платон вафотигача шу даргоҳда таълим олди. Илмий манбаларда келтирилишича Аристотель Платоннинг дўстлари ва шогирдлари орасида ақл-заковати, илмга бўлган қизиқиши билан алоҳида ажралиб турар эди. Аристотель жуда билимдон бўлганлиги сабабли устози Платон билан турли масалаларда бахслашиб турар, айрим ҳолларда баъзилари юзасидан унга эътирозлар ҳам билдирар эди. Ҳақиқатпарвар мутафаккир ўз устозининг фалсафа борасида йўл қўйган хатоларига бефарқ қарай олмаганлиги сабабли «Платон менинг дўстим, лекин ҳақиқат дўстлигимиздан ҳам азиз» деган.

Платон таълимотича, оламда ғоялар бирламчи бўлиб, моддий дунё, жисм ва ходисалар уларнинг нусхасидир. Аристотель Платоннинг бу таълимотини рад этиб, ғояларнинг ўз жисмнинг оддий нусхаси ва ўз мазмуни жихатидан унинг бу жисмлардан фарқи йўқ деб таъкидлайди. Демак Платон таълимотига «умумий ғоялар» ўз нусхаси сифатида жисм ва ходисаларни

яратган, ғоя-жисмнинг мохиятидан иборат Платоннинг бу ғоясини Аристотель рад этди. Агар «ғоя» жисм ва ходисаларда гавдаланиши ва ифода этилиши лозим эди, вахоланки Платонда жисм ва ходисалар ўз мохиятидан (ғоялар) бутунлай ажралган деб таъкидлайди, Аристотель. Шунинг учун Платон фикрича, нарса ва ходисаларни ўрганиш уларнинг мохиятини билишга ёрдам бермайди. Платон фикрича моддий нусха ва ходисаларни билишнинг хожати йўқ, сезги аъзоларимиз хизматидан воз кечиш керак деган фикрни илгари суради. Шу нарсаларни аниқлаган Аристотель Платонда ғоя билан моддий предметлар, мохият ва ходисалар, имконият ва воқеалик ўртасида боғланиш бутунлай йўқ эканини таъкидлайди. Шундай қилиб Платон фикрича ғоялар абадий, бирламчи, ҳаракатсиз, ўзгармас, уларнинг нусхаси ҳисобланмиш моддий нарсалар ва ходисалар ҳаракатда, ўзгаришда ва ўткинчи характерга эгадир. Платоннинг бу ғайри илмий таълимоти Аристотель фикрича асоссиз ва қарама-қарши қутбга эгадир. Модомики, предмет ва ходисалар «ғоя»ларнинг махсуми, нусхаси экан, — деб таъкидлайди. Аристотель — нега «ғоялар» ҳаракатсиз, ўзгармас, мангу, уларнинг нусхаси, махсуми эса ҳаракатда, ўзгаришда ва ўткинчи характерга эга бўлиши керак? Аристотель бу ерда Платон таълимотида таъкидланган предмет ва ходисалар билан «ғоялар дунёси» ўртасида сабабий боғланиши йўқ эканини очиқ ташлайди. Аристотель Платон сингари тушунчалар орқали борлиқнинг муҳим, туб ва ўзгармас хоссасини билши мумкин, дейди.

Лекин Аристотель Платоннинг тушунчалар орқасида конкрет моддий нарсалар ётишини инкор этишини танқид қилиб, тушунчалар орқасида конкрет нарсалар ётади деб таъкидлайди.

Эрамиздан аввалги IV аср Юнонистон ҳаётида муҳим тарихий давр ҳисобланган. Ўша даврда Қадимги Юнонистондаги иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёт анча юксак даражада эди. Лекин шунинг билан бирга қулдорлар билан қуллар ва қулдорликнинг турли қатламлари ўртасидаги кўраш кескин тус олган эди. Кескин кўраш фалсафа майдонида, яъни Демокрит йўли билан Платон йўли ўртасида ҳам бошланган эди. Ана шу даврнинг кўзга кўринган машҳур файласуфларидан бири Демокрит (эрамиздан . аввалги. 460—370) бўлган.

Бу даврда Юнонистонда атомистик таълимотга асос солган Демокрит ўз сиёсий қарашлари билан аввалги тузумнинг сиёсатини қўллаб-қувватлаб келган. У гарчанд қулдорлик демократиясининг манфаатларини ҳимоя қилган бўлсада, демократиядаги камбағаллар подшолар давридаги фуқароларнинг хотиржамлигидан саодатлидир. Эрамизда қулликдан афзал, деб ёзган эди у. Лекин бундан Демокрит қулчиликка қарши чиққан ёки қулларни озод қилиш лозим, деган фикрга келиш хато бўларди, чунки у қулларни одам ўрнида кўрмаган эди. Қуллар фақат жонли қурол,

хўжайиннинг буйруғига итоат этувчилар, деб таъкидларди у. «Хизматкорлардан ўз тана аъзоларинг сингари фойдалангин, бирини бир ишга, иккинчисини бошқа ишга буюр-гин», деб ёзган, файласуф.

Кулдорлик тузумининг кўрғони — давлатдир. Давлатнинг емирилиши билан барча нарса ўлади, деган фикрда файласуф қатъий турган. Шу нуқтаи назардан у давлат қонунларини бўзган кишиларга чора кўриш, яъни жазога лойиқ кишиларни раҳм-шафқатсиз жазолаш керак, деган эди у. Шундай қилиб, Демокрит ўзининг ижтимоий қарашларида қадимги юнон фай-ласуфлари сингари кулдорлик тузумини ҳимоя қилган. [15]

Унинг фикрича, ҳақиқий борлик, моддий дунё абадий, поёнсиз ва чексиз реалликдир. Олам майда моддий заррачалардан ва бўшлиқдан иборат. Ҳиссий қабўл қилинган аниқ нарса ва ҳодисалар майда заррачаларнинг бўшлиқларда бирикишидан юзага келади. Моддий борлик, унинг қарашларига биноан, бўшлиқда абадий ҳаракат қилаётган атомлардир. Атомлар бўлинмас, ўзгармас, сифат жиҳатдан бир хил ва бир-биридан ташқи кўриниши, миқдорий хусусиятлари, яъни шакли, ҳажми, тартиби ва ўрни билан фарқ қилади. Демокрит таълимотига кўра, атомларнинг миқдори шакллар сингари беҳисобдир.

Ҳаракат, дейди Демокрит, модданинг абадий, табиий ҳолатидир. У ҳаракатнинг фақат бир шакли, яъни механистик ҳаракатни тан олиб, атомларнинг бўшлиқда ўрин алмашинувини назарда тутган. Атомларнинг ўрин алмашинуви, ҳаракат бўшлиқда, бўш маконда содир бўлади. Унинг макон ҳақидаги тасаввури чалкашдир. Баъзан макон жисмсиз бўшлиқ баъзан эса бу модда эгаллайдиган макон (жой) сифатида тан олинади, чунки атомлар муайян кўламга эга. Умуман, Демокрит маконни моддадан ажратиб қўяди, чунки у маконни моддадан мустақил ибтидо деб билган ва объектив борлиқнинг кўринишларидан биридир, деб ҳисоблайди. Демокрит фикрича, сифат жиҳатидан бир-биридан фарқланадиган турли-туман конкрет аниқ жисмлар оддий, бўлинмас ва ўзгармас, шакл ва ҳажм жиҳатидан бир-биридан фарқ қилувчи атомлардан ташкил топган.

Демокрит барча нарсаларни атомистик тўзилишдан иборат, деб таъкидлаб, тирик жисмларнинг ҳаракат манбаи ҳам атомлардан ташкил топган дейди. Лекин жоннинг атомлари шарсимон шаклда ва улар жуда ҳаракатчан. У пифагорчиларнинг жоннинг абадийлиги тўғрисидаги таълимотига қарши чиқиб, тана ўлиши билан жоннинг атомларга парчаланиши айтиб бир пайтда ўлишидир, деб исботлашга ўринади.

Эрампиздан. аввалги. I асрда Понтий подшолигида ихтиро қилиниб ишлаб чиқаришда ўз ўрнини топган сув тегирмони эллинистик жамиятида энг юқори техника ютуғи эди. Кам сонли сув тегирмонлари билан бир қаторда юз йиллар давомида ҳайвонлар кучи билан айлантриладиган

тегирмонлар, ёрғичоқлар ва ҳатто оддий ўғирлар кенг расм бўлиб келди. Кончилик иши техника жиҳатидан энг қолоқ ва меҳнатнинг энг оғир тури бўлиб конларда қуллар, ҳукм қилинган жиноятчилар, ҳарбий асирлар кўплаб ҳалок бўлар эди.

Пифагор, Евклид ва Архимедлар математика ва математик фанлар – геометрия, оптика, гидростатика фанларининг асосчилари ҳисобланади. Астрономия соҳасида Аристарх биринчи бўлиб геоцентризм ғоясини илгари сурди. Гиппократ – медицина фанига асос солди. Геродот тарих фанининг отаси ҳисобланади. Аристотель асарлари маданият назарияси бўйича биринчи фундаментал илмий ишлар қаторидан ўрин олган эди.

Деярли ҳозирги замон маданиятининг жанрлари қадимги Юнонистонда пайдо бўлди. Баъзилари ўша даврнинг ўзида жуда юқори даражага кўтарилди.

V асрда юнон дунёсида юз берган кучли сиёсий жараёнларни таҳлил қилган, шу даврнинг сиёсий арбоблари Фемистокл ва Перикл каби афиналик демократия йўлбошчиларини аёвсиз танқид остига олган сиёсий адабиётлар юзага келди. Шундай адабиётлардан бири эрамиздан. аввалги. 430-йиллар атрофида «Афинани бошқаруви тўғрисида» рисоласи пайдо бўлди. Критийнинг «Лакедемон политияси»да Спарта жамияти қурилиши кўкларга кўтарилди, Афина демократиясига салбий назар билан қаралди.

Қадимги юнон маданиятининг сўнгги даври – бу Эллинизм (323-146 й.) дир. Бу даврда маданиятнинг баъзи соҳаларида, жумладан, фалсафада эришилган ютуқлар даражасидан пасайиш ҳолатлари юз беради. Бу даврда юнон маданиятининг бошқа мамлакатларга, жумладан, Ўрта Осиёга таъсири кучаяди. ҳатто бу жараён Юнонистоннинг Римга қарам бўлганидан кейин ҳам давом этади. Рим Юнонистонни сиёсий жиҳатдан тобе этади.

Фан соҳасида бу даврда етакчи ўринни математика эгаллайди. Унинг асосчилари Евклид ва Архимед каби олимларнинг ижоди туфайли математикадан механика, оптика, қурилиш соҳаларида фойдаланиладиган бўлинди. Астрономия, тиббиёт ва география соҳаларида муҳим ютуқлар қўлга киритилди.

2. Буюк юнон олим ва мутафаккирлари

- Логограф Гекатей Милодетский (эрамиздан. аввалги. VI-асрнинг 2-ярми – V аср бошларида яшаган) ўзининг ер тўғрисидаги баёини тасвирлаган, биринчи б

- ўлиб Юнонистоннинг географик харитаси маълумотини келтирган. Афсуски, унинг асарларидан баъзи парчаларигина бизгача етиб келган, холос.

Геродот (эрамиздан . аввалги 484 –425 й)- “тарих фани отаси”. Кичик Осиёнинг жанубий – ғарбий қирғоғида жойлашган Галикарнас шахридан келиб чиққан. Ўз ҳаётида жуда кўп сайёҳатлар қилган – Бутун Мисрни кезиб чиққан. (ўрта ер денгизидан Элефантагача) “Шоҳ йўли” бўйлаб Эгей денгизидан то Сўзагача. Шимолий қора денгиз бўйи чўл даштларида ҳам бўлган, Афинада яшаган. Унинг логографлардан фарқи шундаки, гарчи содда бўлсада, унинг асарларида тарихийлик илмий назарияси борлигидир. У ўз кўзи билан кўрган ва қулоғи билан эшитган манбалар асосида тарихни ёзган. Унинг “Мен нимани эшитган бўлсам шуни кейинги авлодга етказиш бурчим, лекин нимани эшитган бўлсам уларни ҳаммасига ҳам кўр - кўрона ишонавериш бурчим эмас”, деган сўзлари шубҳасиз уни тарихий воқеаликка танқидий кўз билан қараб, уни урганганлигини кўрсатиб турибди. Геродотнинг машҳур «Тарих» асари асосан Юнон - Эрон урушларига бағишланган. Лекин унда фақат уруш ҳаракатлари баёнигина эмас, балки Эроннинг ҳудудига кирувчи мамлакатларни тасвирлаган ва Грециянинг урушдан аввалги тарихини қисқача баёини ҳам келтирган. Масалан, Лидия фақат Геродот асарларида тасвирланган бўлиб, бу давлат тўғрисида бошқа манбалар деярли йўқ.

- Фукидид (эрамиздан .аввалги 460-325) .Геродотнинг замондоши бўлган, Пелопоннес уруши тўғрисида атрофлича маълумотлар ёзиб қолдирган. У биринчи бўлиб тарих фани – бу тарихий воқеаликларни ҳаққоний баёни деб ҳисоблаган, шунингдек, тарихий воқеаликни турли уйдурмалар билан безашдан кўра, уни оддий факт асосида баён этмоқни афзал деб билган. Энг муҳими, у ўз асарларида ўзи кўрган воқеаликлар баёини бериш билан бирга тарихий ҳужжатлар асосида ўз асарларини яратган. У қадимги даврдан бошлаб қисқача Юнонистон тарихини ҳам ўз асарида келтирган.

- Ксенофонт (эрамиздан .аввалги 430 – 355 й). 120 дан ортиқ асарлар яратган тарихчи бўлиб, жуда ишчан бўлган, шунинг учун ҳам уни “Аттика асалариси” деб аташганлар. Унинг асарлари Геродот, Фукидид асарларидан ўзининг сиёсий жиҳатлилиги билан фарқ қилган. Унинг “Эленика”, “Анабасис”, “Хўжалик тўғрисида”, “Лакедемон политияси” каби асарлари бор. Масалан, «Анабасис» асарида эрамиздан . аввалги. 401 йилда 10000

кишилик Юнон қўшинини форслар устига уюштирган юришлари ҳақида ҳикоя қилинади. “Лакедемон политияси” номли асарида Спарта аристократик тузуми идеаллаштирилади. Хуллас, эрамиздан аввалги IV- асрнинг 1– ярмидаги Юнонистон тарихи тўғрисида жуда муҳим манбалар ёзиб қолдирган .

- Аристотел (эрамиздан .аввалги. 384-322й.). У бутун фаолиятини Юнонистон ва бошқа қўшни мамлакатларнинг сиёсий тузилишини ўрганишга бағишлаган. Ўз шогирдлари билан биргаликда 158 та полития ёзган, яъни айрим давлатлар сиёсий тўзилишини тасвирлаб кўрсатган. Бизгача фақат «Афина политияси» номли асари етиб келди. Унда эрамиздан . аввалги. XII асрдан эътиборан Афина тарихи баён этилган..Жумладан, бу асар эрамиздан . аввалги. У ва IX асрлардаги Афина демократияси тарихига ҳамда архаик даврдаги Афина тарихига оид муҳим манба ҳисобланади.

- Эфор (эрамиздан аввалги IV-асрнинг 2-ярмида яшаган) У Юнонистоннинг бутун умумий тарихини ёзган бўлсада, лекин, унинг асари парчалар ҳолатида бизгача етиб келган. Юнонистоннинг дорий кабиласи босқинидан кейинги тарихини ёзган. Бунда фақатгина Болкон ярим ороли тўғрисида эмас, балки, ўрта ер денгизи ва Шарқидаги юнон колониялари тўғрисида ҳам маълумотлар келтирилган.

- Полибий (эрамиздан . аввалги. 200 – 120 й). Унинг яшаган даври Юнонистоннинг тушкунлик даврига тўғри келади. Рим томонидан Болкон ярим ороли босиб олинган бўлиб, ҳатто Полибий ҳам гаров сифатида Римга юборилган. У Ўрта ер денгизи миқёсида “Умумий тарихни” ёзди.Лекин бу асарнинг учдан бир қисмигина бизгача етиб келган. У ўз асарида бир давлатни яхлит ҳолда эмас, балким бошқа қўшни давлатлар билан алоқадорликда, бирга олиб тарихи яратилиши керак деган илмий қарашларни илгари сурган тарихчидир.

- Диодор Систилийский (эрамиздан .аввалги. 90-21 йиллар) Бутун умрини Систилияда ўтказган. “Тарихий кутубхона” номли асари муҳим бўлиб, лекин унинг кўп қисми бизгача етиб келмаган, йўқ бўлиб кетган.

- Плутарх (эрамиздан аввалги 46- эрамизнинг 126 йиллари). Ёзувчи Плутархнинг эрамиздан аввалги I-асрининг иккинчи ярмига - II асрнинг бошларига оид асарлари ҳам Греция, ҳам Рим тарихи бўйича қимматли, аҳамиятли ҳисобланади. У Юнонистоннинг Херонея шаҳрида туғилган. Бу пайтда Юнонистон Рим империяси таъсирида бўлган. Афинада ўқиб таълим олган. Унинг “қиёсий биографиялар” номли асари муҳим бўлиб, бунда таниқли юнон адибларининг фаолияти ёритилган ва уларни таниқли Рим арбоблари билан таққослаган. Бу асарнинг қиммати шундаки, унда бизгача етиб келмаган қадимги ёзма манбалардан кенг фойдаланилган.

Шунингдек, қадимги Юнонистон тарихи бўйича бир неча муаллифи номаълум бўлган “Саёҳатномалар” ҳам маълум. Шулардан бири шартли

равишда “Ксенофонт саёхатнома”си деб номланиб, унда Афина кулдорлик демократияси тузуми танқидий нуқтаи назардан таҳлил этилади. Асарда Афинани ўз иттифоқчилари билан ўзаро муносабати баён этилиш жуда қимматли маълумот ҳисобланади.

- Гомер. Унинг «Илиада» ва «Одиссея» дostonлари тарихий манба сифатида айниқса катта аҳамиятга эгадир. Гарчи, бу dostonлар эрамиздан . аввалги. XIII-аср бошларида ёзилган бўлсада, лекин уларда нисбатан олдинроқ, эрамиздан . аввалги XI-IX асрларга оид Грестиянинг иқтисодиёти, жамият тузилишлари, ғоявий, маънавий, маданий ҳаёти кенг ёритилган.

- Гесиоднинг “Мехнат ва кунлар”, “Теогония” каби асарлари Юнонистоннинг архаик даври ижтимоий – иқтисодий, сиёсий, маданий тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

- Шунингдек, Греция тарихини ўрганишда Архилох, Алкей, Сафо, Солон, Феогнид, Пиндар каби шоирларни лирик асарлари ҳам муҳим манба ҳисобланади.

- Эсхил, Софокл, Еврипид каби трагедия соҳаси етук намоёндалари асарлари ҳам Юнонистон классик даври моҳиятини тушунишда муҳим манба ҳисобланади.

- Аристофон комедиялари эрамиздан . аввалги. V-аср охири ва IV-аср бошларидаги Юнонистон тарихининг сиёсий ва кундалик турмуш тарзини билишимизда муҳим манбадир. Шунингдек, Греция тарихини ўрганишда таниқли нотиклар нутқлари ҳам муҳим манба ҳисобланади. Масалан: Бу нутқлар суд мунозарасига ёки сиёсатга оид бўлиши мумкин. Айниқса, қонун бузарларга қарши Лисий нинг (эрамиздан . аввалги. IV-аср) нутқлари таъсирчан бўлиб, унда савдо- сотиқ, асосан ғалла сотишдаги қонунбузарликлар ўз аксини топган. Хуллас, нутқларда ўша давр савдогарлари фаолияти чуқур баён этилган. Шунингдек, Демосфен (эрамиздан . аввалги 384-322) нутқларида ҳам қонунбузарлик, сиёсат кенг ёритилиб, сўз асосан Афина иқтисодий тараққиёти, Шимолий қора денгиз бўйи сиёсий воқеликлари бўйича боради.

- Страбон (эрамиздан . аввалги I-асрнинг 2- ярми ва милодий I-аср) ўзининг “География” асарида нафақат мамлакатларнинг географик жойлашуви ва уларнинг табиий шароити, балким уларнинг халқларини турмуши ва тарихи борасида ҳам қимматли маълумотлар келтирилган.

- Евклид эрамиздан аввалги III асирнинг биринчи ярми математик.

- Архимед эрамиздан аввалги 285 - 212 йиллар математик ва физик.

- Аристарх тахминан эрамиздан аввалги 310- 230 йиллар самослик астроном .

- Эратосфен эрамиздан аввалги 275 - 208 йиллар географ, астраном, математик.

- Герофил эрамиздан аввалги III асирнинг биринчи ярми медистина олими.

3. Эллинизм даврида фан ривож

«Эллинизм» атамасини бундан 130 йилча олдин немис тарихчиси И. Драйзен ишлатган эди. Бу давр қадимги юнон ва қадимги шарқ иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатларнинг қўшилиб кетиши ва бир-бирига таъсир кўрсатиши давридир.

Турон ўлкасидаги жанубий вилоятларга ҳам эллин маданияти кучли таъсир этган. Айти пайтда ўлкамизнинг қадимги маданияти ҳам эллин маданиятига баракали таъсир кўрсатган.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Искандар вафотидан кейин у истило этган ўлкаларда Птолемейлар, Салавкийлар, Юнон - Бақтрия, Пергам подшоликлари, Македония ва Юнонистон каби давлатлар қарор топади.

Искандар вафотидан сўнг Мисрда Птолемей ва птолемейлар бошқарган кучли эллин давлати қарор топади. Птолемей Искандарнинг машҳур лашкарбошларидан бири эди. Шунинг учун давлатнинг номи ҳам Птолемейлар подшолиги дейилган. Бу подшоликка Африка шимолидаги Киренаика, Кипр ороли, Жанубий Сурия, Финикия, Кичик Осиёнинг жанубий ва ғарбий соҳилидаги жойлар, юнон шаҳарлари ва Эгей денгизидаги айрим ороллар ҳам кирган. Бу ўлкалар ўз маҳаллий бошқармасини сақлаб қолган бўлсалар ҳам Птолемей тайин этган ноибларнинг назорати остида иш олиб борганлар. Птолемейлар қуруқликда ҳамда денгизда кучли қўшинга эга бўлиб, қуруқлик ва денгиздаги йўлларни назорат қилиб турганлар.

Птолемейлар подшолиги салавкийлар билан олиб борилган тинимсиз урушлар натижасида кучсизланиб қолган. Эрамиздан аввалги 30 йилда Птолемейлар мулки ҳисобланган Миср Римга қўшиб олинган, подшолик ўз мустақиллигини йўқотган.

Салавкийлар давлати Яқин ва Ўрта Шарқдаги энг йирик эллин давлати эди. Унга Искандар тузган давлат инқирозга учраган, Бобур сатраплигининг ҳукмдори Салавка И Никатор (350-280) томонидан асос солинган. У ҳам Искандарнинг дўсти ва саркардаларидан бири эди. Салавка ва Салавкийлар давлати кучайган вақтда Персида, Мидия, Сурия ва Кичик Осиёнинг катта қисми подшолик таркибига кирган. Салтанат бошида подшо туриб, жойлардаги сатрапликларни стратеглар бошқарганлар. Салавкийлар подшолиги ўша даврдаги энг кучли қулдорлик давлати эди.

Сўнгги Салавкийлар даврида бу давлат кучсизланиб, эрамиздан аввалги 190 йилда римликлар билан бўлган урушда енгилиб, кўп вилоятларидан ажралади. Рим империяси кучайган, эрамиздан аввалги 64 йилда Салавкийлар подшолигининг ғарбий қисмини ўз вилоятига айлантиради.

Салавкийлар подшолиги кучайган вақтда унинг хўжалиги анча ривожланади. Дарё ва сой бўйларидаги ерларда деҳқончилик, боғдорчилик, дашт ва тоғ яйловларида эса чорвачилик анча тараққий этган. Салавкийлар подшолигининг кучайган даврида шарқдан ғарбга ва шимолдан жанубга ўтадиган савдо-тижорат йўллари подшоликка қарар эди. Шунинг учун бу ерда савдо ривож топиб, шаҳар ва қишлоқларда хунармандчилик раванк топади.

Эрамиздан аввалги III асрнинг биринчи ярмида Салавкийлар подшолигининг шарқий вилоятлари подшоликка итоат этишни истамай, унга қарши кўзғолон кўтарадилар. Бундан фойдаланган айрим юнон ноиблари маҳаллий оқсуяк зодагонларга таяниб, ўзларини мустақил подшо деб эълон қиладилар. Хусусан, Салавкийларнинг Бактриядаги ноиби Деодод I эрамиздан аввалги 250 йилда ўзини Бактрия подшоси деб эълон қилади. Давлат ишларига маҳаллий кишилар ҳам жалб қилинади. Шунинг учун бу давлат бу давлат Юнон-Бактрия номи билан аталган. Юнон-Бактрия подшолиги таркибига Бактрия, Сўғдиёна, Марғиёна, Чоч, Давон, Шарқий Эрон ҳам кирган эди. Подшоликнинг бош шаҳри ва пойтахти Зариасп эди.

Юнон-Бактрия подшоси Деодод I Парфияни ўз подшолигига қўшиб олиш мақсадида Салавка подшоси билан иттифок ҳам тузган. Аммо бу иттифок кутилган натижани бермаган. Кейинчалик Парфиянинг куч-қудрати ошиб кетгач, Деодод I нинг ўғли Деодод II Парфия шоҳи Аршак II билан иттифок тузиб Салавкийларга қарши кураш олиб борган.

Деодод I ва Деодод II лар даврида Юнон-Бактрия давлати анча кучаяди. илгари Бактрияга тобе бўлган Сўғдиёна ноиби Евтидем I ҳам Юнон-Бактрия подшолигини қўлга киритиш ниятида эди. Эрамиздан аввалги 230 йилда Евтидем I Деодод II ни Юнон-Бактрия тахтидан ағдариб, тахтни ўзи эгаллайди.

Эрамиздан аввалги 208-206 йилларда Салавка подшоси Антиох III Турон ва Шарқий Эрондаги сатрапликларни қайтариб олиш учун шиддатли кўраш олиб боради. Эрамиздан аввалги 208 йили Антиох III қўшинлари Тажан (Ох) дарёсининг қуйи оқимидаги жойда Евтидем I нинг ўн минг кишидан ортиқ қўшинини мағлубиятга учратади. Евтидем I чекиниб Зариасп қалъасига яширинади ва уни қаттиқ ҳимоя қилади. Антиох III қўшинлари қалъани 2 йил камал қиладилар. Эрамиздан аввалги 206 йилда Антиох III билан Евтидем I ўртасида сулҳ шартномаси тузилади. Антиох III Евтидем I нинг шоҳлигини тан олишга мажбур бўлади.

Евтидем I ва унинг ўғли Деметрий даврида Юнон-Бактрия подшолиги кучаяди. Юнон-Бактрия подшолари ўз тасвирлари туширилган олтин ва кумуш тангалар зарб этганлар. Эрамиздан аввалги 190-180 йилларда Сейистондан Синд дарёсигача бўлган жойлар Юнон-Бактрия подшолигига қўшиб олинади.

Эрамиздан аввалги 175 йилда Деметрий Ҳиндистонда жанг олиб бораётган вақтда унинг саркардаси Евкратит кўзғолон кўтариб, Юнон-Бактрия тахтини эгаллайди. Деметрий ҳокимиятини қайтариб олиш учун бўлган жангларнинг бирида ҳалок бўлади. Шундан кейин бир бутун Юнон-Бактрия подшолиги иккига бўлиниб кетади. Биринчиси ғарбий вилоятларни ўз ичига олган Юнон-Бактрия давлати бўлиб, уни Евкратитнинг ворислари бошқарадилар. Иккинчиси пойтахти Сакала бўлган Юнон-Ҳинд давлати бўлиб, у Панжоб вилоятини ўз ичига олган. Уни Деметрий ва унинг ворислари бошқарганлар. Эрамиздан аввалги 162 йилда Евкратит кўшинлари Панжобни босиб оладилар. Аммо кўп ўтмай Юнон-Ҳинд шоҳи Менандр Евкратит кўшинларининг ҳужумини қайтаради.

Шу даврда Парфия подшоси Митридат I Юнон-Бактриянинг ғарбий вилоятларини босиб олади.

Эрамиздан аввалги 160 йилда Евкратит билан ўғли Гелеокл ўртасида низо чиқиб, Евкратит ўз ўғли томонидан ўлдирилади. Гелеокл даврида Юнон-Бактрия подшолиги кучсизланиб, унинг ихтиёрида фақат Бактриягина қолади. Эрамиздан аввалги 140-130 йилларда Шарқий Туркистон ва Турондан бостириб кирган сак кабилалари ва юэ-чжиларнинг шиддатли ҳужумлари натижасида Юнон-Бактрия давлати ағдариб ташланади. Кейинчалик бу ерда Кушон подшолиги ташкил топади.

Шу тарика 200 йилча давом этган Юнон-Македония ҳукмронлигига барҳам берилади. Юнон-Бактрия давлати Турон ва Эрон халқларининг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида катта аҳамиятга эгадир. Юнон-Бактрия подшолиги даврида кулдорлик ривож топиб, шаҳар ва қишлоқлар анча юксалади.

Птолемейлар подшолиги. Миср ҳудудида Александр вафотидан кейин унинг машҳур лашқарбошиларида бири бўлмиш Птолемей ва унинг авлодлари бошқарувидаги Птолемейлар подшолиги қарор топган. Унинг пойтахти Александрия шаҳари бўлган. Бу подшолик тўғрисида асосий манба папирус битиклари ҳисобланади. бўлардан маълум бўлишича Нил ҳавзаси ва дельтаси эскича маъмурий бўлинишлар, яъни номларга бўлинган. Уларни подшо томонидан тайинланган стратеглар бошқарганлар. Бу подшоликда энг юқори лавозимлар грекларга берилган. Асосий ер подшо ерлари деб ҳисобланган. Подшолик ерларидан ташқари, клерухлар, яъни колонист-аскарлар ерлари ҳам кўп эди. Клерухлар энг охир солиқни рентани тўламас эдилар. Уларнинг ерларида кўпинча деҳқонлар ва куллар ишлаганлар. Ибодатхоналар ерлари янада кўпроқ имтиёзларга эга бўлишганлар. Бу ерлардан келадиган солиқнинг бир қисмини қўҳинлар давлат хазинасига топширганлар. Олий социал категориядаги ерлар инъом ерларидан иборат бўлиб, бу ерларнинг эгалари солиқларнинг анча қисмини тўлашдан озод этилган эди. Бундан ташқари бу давлат жамиятида ҳунармандлар,

савдогарлар ҳам муҳим роль ўйнаган. қўшни мамлакатлар билан қизғин савдо-сотиқ ишлари амалга оширилган.

ХУЛОСА

Қадимги Юнонистонда фанга қизиқиш жуда ҳам катта бўлган. Бу даврда тарих, фалсафа, табиий ва аниқ фанлар муҳим қисмини ташкил этади. Қадимги даврда Юнонистонда бир қанча аллома ва мутафаккирлар етишиб чиққан. Булар қадимги давр фани, ўрта аср ва янги давр фанининг шаклланиши ва ривожланишига катта таъсир ўтказган.

Қадимги Юнонистон, Миср ва Бобилда ҳукм сурган ижтимоий тузумлар антик даврнинг кўзга кўринган алломаси, файласуфи Платоннинг идеал жамият ҳақидаги таълимотини яратишда катта таъсир этганлигини кўришимиз мумкин.

Платоннинг теран ақл доираси, кўп қиррали ижоди билан фақат маданий ва тарихий марказ бўлган Афинадагина эмас, балки Қадимги Юнонистонда ҳамда бошқа давлатларда ҳам кенг шуҳрат қозонган. Платоннинг бой илмий мероси ўзи яшаб ижод этган даврдан токи антик жамият инқирозга юз тутган давргача барча фалсафий, диний таълимотларга ўз таъсирини ўтказиб келган. Турли даврларда ва турли тузумларда яшаб ижод этган файласуфлар Платон меросига мурожаат қилар экан, бу тубсиз хазинадан улар ўз қарашларига, эътиқодларига, қолаверса, тузумларига мос келадиган таълимотни олиб, янада ривожлантириб, янги ғоялар, таълимотлар билан бойитиб келишган. Платон ва Аристотел таълимотларининг янги бир таъсир кучи шун-даки, уларнинг фалсафаси узоқ вақтларгача турли-туман фалсафий оқимларга манба вазифасини ўтаб келди. Немис файласуфи Гегель ўзининг диалектик таълимотига Платон диалектикаси таъсир ўтказганлигини тан олиб гапирган. Қомусий илм соҳиблари Платон ва Аристотелнинг бой маданий мерослари жаҳон маданияти хазинасига улкан ҳисса қўшиш билан бир қаторда олимлар, файласуфлар, тарихчи-ю адабиётчилар, санъаткор ва педагоглар, ҳуқуқшунос ва сиёсатчилар бу билим булоғидан баҳраманд бўлиб келмоқдалар.

Бизга маълумки, Аристотел юнон фалсафаси тарихининг энг мазмундор даври юнон классик фалсафасига якун ясаган. Платон ва Аристотел таълимотлари эса ўрта аср Шарқ мутафаккирлари: Форобий, Ибн Сино, Беруний дунёқарашларининг шаклланишига таъсир этган. Аристотел таълимоти ўрта асрларда Ғарбий Европага асосан араб файласуфи Ибн Рушд таржимаси орқали кириб келди. Янги давр фалсафасида Аристотелнинг табиат тўғрисидаги таълимоти янги билимлар билан тўлдирилган ва бойитилгани ҳолда Коперник, Галилей, Жордано Брунолар томонидан ривожлантиридди.

Ўрта аср ва Янги давр Ғарбий Европа фалсафасининг ривожига шакл-шубҳасиз Гераклит, Зенон, Эмпидокл, Демокрит, Сукрот, Платон, Аристотел ва Эпикурларнинг таъсири катта бўлган.

Ўрта аср ва янги давр фалсафасининг жаҳон маданияти, илм-фани хазинасига қўшган хиссаси бениҳоя улкан бўлишида антик давр фалсафасининг таъсири катта бўлган. Платон, Аристотеллар яратган таълимотлар бугунги кунда жаҳон фалсафаси ривожига ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Мазкур курс ишимда қадимги Юнонистонда тараққий топган барча фанлар ривожланиши тарихини ҳамда вужудга келган илмий мактабларни ўрганиб чиқдик.

Биз юнонларнинг қуйидаги илм-фан марказлари, мактабларини таъкидлаб ўтишимиз мумкин:.

Элидалик Федон томонидан ташкил этилган Элидо — эритрик мактаби. Мазкур мактабнинг намоёндаларидан бири Менедем Эритрик мактаби таълимотининг ривожига ўз хиссасини қўшган. Федон билан Менедем баҳс олиб боришнинг моҳир усталари ҳамда нотиклик - риторика санъатининг устозлари бўлишган. Бироқ ушбу мактаб вакиллари мегерликлар сингари шуҳрат ва фаровонликнинг бирлиги тўғрисида ҳамфикр бўлсада, мегерликлар таълимотига оригинал фикрлар қўшмаганлар.

Қадимги Юнонистон тарихи, маданияти қадимги Шарқ мамлакатлари тарихи билан бир вақтда ва у билан ўзаро алоқадорликда ривожланди. Антик даврда қадимги Юнонистон маданияти айниқса юқори, юксак даражага чиқди. Табиий ва гуманитар фанлар равнақ топди. Қадимги Юнонистонда фалсафанинг асосий йуналишлари пайдо булади ва ривожланади. Тасвирий санъат, адабиёт ва маданияти турли соҳалари юксакликка етди. Юнон тили ҳозирга қадар илмий терминалогияда кенг қўлланилмоқда. Кўп мақол, матал, эртак, афсоналар сюжетлари қадимги Юнонистонга бориб тақалади. Улар яратган трагедиялар, комедиялар ҳозирга қадар жаҳон сахнасидан тушмасдан уйналиб келинмоқда. Антик давр Юнон-Рим маданияти, илм-фани Европа халқлари маданияти шаклланишида асос бўлиб хизмат килмоқда. қадимги Юнонистоннинг антик даврнинг кудратли давлати бўлиб етишишига, иктисодий юксалиши, илм-фан, маданияти ривожига маълум маънода унинг географик жойланиш шароити, табиати, иклими, фойдали казилмалари кўплиги ҳам таъсири бўлган.

Пойтахтларда илмий марказлар ва кутубхоналар вужудга келди. Мисрдаги Искандария, Оронгдаги Пеигам, Антиохия эллин дунёсининг илмий ва маданий маркази сифатида ўз мавқейларини сақлаб қолдилар. Искандарияда Птоломейлар ҳомийлигида ўша вақт учун ғоят катта кутубхона тўпланган бўлиб, эллин даврининг охирига бориб бу ерда 70000 га яқин папирус ўрамлари мавжуд эди. Бу кутубхона ўша замонга қадар

тўпланган юнон-шарқ донишмандлигининг асарларини тўлароқ равишда ўз ичига олган эди. Сарой қаршисида кутубхонадан ташқари Мусеён-илмий муассаса ҳам ташкил қилиниб, унда олимлар учун ётоқхона ҳам бор эди. Искандария олимлари математика, тиббиёт ва техника фанлари соҳасида эришган ютуқлари билан ҳамда мутахассис-филологлар сифатида донг таратдилар.

Қадимги Юнонистон маданияти жаҳон маданиятига катта таъсирини ўтказди ва ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда. Юнон маданиятисиз ҳозирги Европа ва жаҳон маданиятини тасаввур қилиб бўлмайди. Шунингдек Шарқ дунёси ҳам эллинизм маданиятисиз бошқачароқ кўринишга эга бўлган бўларди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент. «Шарқ», 1998. 8-11 бет
2. Авдиев В.И. Қадимги Шарқ тарихи. Тошкент 1964. 6-9 бет.
3. Античная Греция.-Под. Ред. Е.С.Голубцовой. М., 1983. 46-78 бет.
4. Бобоева М. К., Қурбонгалеева Р. С Қадимги дунё тарихидан изоҳли луғат.-Т., 1992. 88- 104 бет
5. Бойназаров Ф. Қадимги дунё тарихи Тошкент, 2004. 60-82 бет
6. История Древней Греции.-М., 1972. 123-139 бет
7. История древнего мира Москва, 1956. 68-108 бет
8. История Древней Греции.Под редакцией В.И.Кузищина. М., 1986 . 231-247 бет
9. Немировский А.И.История древнего Мира. Античность. Москва, 2001. 1-2 части. 341-358 бет
10. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб Тошкент, «Фан». 1991. 89-123 бет
11. Қадимги дунё тарихи. Ю.С.Крушкол тахрири остида. 2-қисми. Тошкент, 1975. 156- 187 бет
12. Хрестоматия по истории Древней Греции. Под. Ред. Д.П.Каллистова М., 1964. 98-123 бет.
13. Фролов Э.Д.Рождение греческого полиса. Л.ЛГУ, 1988. 200-219 бет.
14. Хрестоматия по истории Древней Греции. Под. Ред. Д.П.Каллистова М., 1964. 212-222 бет
15. Фролов Э.Д.Рождение греческого полиса. Л.ЛГУ, 1988. 120- 134 бет.
16. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси . 10-жилд Т.: 2005.